

21.01.2022 йил

Андижон шаҳар

Андижон шаҳар шахсий таркиб хужжатлари давлат архиви директори Х.Хакимов /бундан буён "Бажарувчи" деб юритилади/ амалдаги Низомга асосан фаолият олиб борувчи биринчи тарафдан, иккинчи тарафдан Андижон шаҳар мактабгача таълим бўлими бошлиғи Ш.М.Хамдамова /бундан буён "Буюртмачи" деб юритилади/ куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузадилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги "Архив иши тўғрисидаги" Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги № 482-сонли қарори билан тасдиқланган Низоми асосида хужжатларни давлат сақловини таъминлаш.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 2.1. "Буюртмачи" мазкур шартнома асосида «Бажарувчи» га хизмат қиладиган шахсий таркиб бўйича хужжатларни марказлашган ҳолда сақлаш учун топширади ва сақлаб берилган хужжатлар учун хар йили (взнос) ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.
- 2.2. "Буюртмачи" нинг топшириғига кўра "Бажарувчи" давлат сақловига хужжатларни топширишга тайёрлаш ва белгиланган қоидалар ва муддатларда сақлаш ишларини бажаради.

3. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4463-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2020-2025 йилларда архив иши ва иш юритишни янада ривожлантириш Дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 апрелдаги "Архивларнинг асосий иш турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқаришнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида" ги 100-сонли қарори, Архивларнинг асосий иш турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқаришнинг Намунавий нормалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган Архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилган "Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида" ги 2615-сонли Низом асосида ишлаб чиқилган нархномасига асосан, "Буюртмачи" бўлим ва унинг тизимидаги болалар боғчаларининг 1970 – 2015 йиллар шахсий таркибга оид узок муддат сақланиши лозим бўлган (75 йил) иш ҳақи ҳисоблаш китобларини келажакда улардан фойдаланиш мақсадида яроқли ҳолатда сақлаш хизматларига 2020-2021 йиллар учун тўлов: 31 120 037,35 (Ўттиз бир миллион бир юз йигирма минг ўттиз етти сўм, 35 тийин) ўзаро ҳисоб - китобларни ўтказиб беради.
- 3.1. Ҳисоб-китоб "Буюртмачи" томонидан "Бажарувчи" ҳисоб рақамига шартномадаги умумий суммани 30% ни олдиндан, ҳисоб – варақ фактурага асосан қолган 70 % ни пул ўтказиш йўли билан бажарилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Маблағлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура ва шартномага иловалар асосида ўтказилиши таъминланади.
- 4.2. Қабул қилинган хужжатлар юзасидан ташкилотларни сўровлари ва аризаларига белгиланган тартибда маълумотлар бериб борилишини ўз зиммасига олади.
- 4.3. "Буюртмачи" га вақтинча фойдаланиш учун сўраган хужжатларни қондага асосан бериб туриш.
- 4.4. "Буюртмачи" бажарувчига маълум қилиш орқали, талаб даражасида кўрсатилмаган хизмат учун ҳақ тўлашдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига асосан шартноманинг умумий қийматидан ҳар бир банк кунига 0,2% миқдорда жарима тўлашлиги ва жарима шартноманинг умумий суммасини 50% миқдордан ошмаслиги назарда тутилади.

6.НИЗОЛАРНИНГ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.
- 6.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий судида қўриб чиқилади.

7.ШАРТНОМА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қўшимча ва ўзгартириш киритиш, улар ёзма равишда расмийлаштириб ва ҳар икки томон имзолаган ҳолатлардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.
- 7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарни қоплаш билан амалга ошириш мумкин.

8.ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 8.1. Бартараф қилиб бўлмайдиган шартларнинг мажбурияти ёки давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари уни етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади. Агарда бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида шартнома мажбуриятлари бажарилишига тўсик бўлган тақдирда томонлар жавобгарликдан озод қилинадилар.

9.ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 9.1. Шартнома 2 нусхада тузилади ва бир хил ҳуқуқга эга бўлади, ҳар бир томонда биттадан сақланади.
- 9.2. Мазкур шартнома 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.
- 9.3. Шартнома бўйича томонлар мажбуриятлари белгиланган нормативларга асосан топширилган ҳужжатларни сақланиш муддати тугагунга қадар амал қилади.

“БАЖАРУВЧИ”

Андижон шаҳар

шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архиви

Андижон шаҳар А.Фитрат кўча № 80А уй

х/р: 2020 8000 4040 5931 7001

СТИР:203 295 307

ИФУТ: 91010 МФО: 00079

“ЎЗКИБ” “Хамкорбанк” АТ банкнинг
Ноҳирабегим филиали

Директор

Х.К.Ҳақимов

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон шаҳар мактабгача таълим бўлими
Андижон шаҳар Пирмухаммедов №1

Хр 100022860034017091100251056

СТИР 305156119 ОКОНХ 92400

Ўзбекистон Республикаси МВ Газначилик
бўлими

ХР 23402000300100001010

Марказий банк ХККМ МФО : 00014

ИНН 201122919

Раҳбар

Ш.Ҳамдамова

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi.

Shartnoma.

2.Loyihaning nomi.

Shaxsiy tarkib bo‘yicha arxiv xujjatlarni saqlab berish bo‘yicha shartnoma.

Andijon shahar maktabgacha ta’lim bo‘limi bilan Andijon shahar shaxsiy tarkib xujjatlari davlat arxivi o‘rtasida, 22.04.2021-yildagi 684-sonli O‘zbekiston Respublikasini “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunining 71-moddasiga asosan 31 120 037,35 (o‘ttiz bir million bir yuz yigirma ming o‘ttiz yetti so‘m o‘ttiz besh tiyin) so‘mlik shaxsiy tarkib bo‘yicha arxiv xujjatlarni saqlab berish yuzasidan tuzilayotgan shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi.

Andijon shahar maktabgacha ta’lim bo‘limi. 20.01.2022- yil.

Asos: O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi 684-sonli “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunining 71-moddasi, O‘zbekiston Respublikasining davlat xaridlari bo‘yicha maxsus axborot portalining yagona yetkazib beruvchilar ro‘yxati va O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-I-sonli “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni.

Shartnoma loyihasini o‘rganish yuzasidan,

XULOSA

Shartnoma amaldagi O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-I-sonli “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan moddiy oqibatlarga bosh yuristkonsult javobgar emas.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi
bosh yuriskonsulti:**

**F.Mamajonov
21.01.2022-yil**

